

ЯШАСИН БАҲОР БАЙРАМИ—1 МАЙ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (1865)

1 май, душанба, 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

УДУҒ БАЙРАМ

Бугун 1 Май—баҳор байра-
ми. Удуғ айём шодонаси ба-
ҳор гулларига бурканган буюк
социалистик мамлакатимизнинг
ҳамма ерида қудратли дарё-
дек мавж уриб кайнаб-тош-
моқда. Бугун ҳар дилда бай-
рам тантанаси, баҳор зами-
ни кезади. Бугун ҳар тилда бай-
рам таронаси, баҳор маҳфияси
янграйди. Чехралардаги табас-
сум, қўллардаги «уластаслар»
ҳам анашу қувончи дамлар-
нинг шодонаси. Хурсанд ни-
гоҳлар ҳаёт ғўзаллигини ўзи-
да акс этгандай яшнаб кўри-
нади.

Бепоян ва азиз дийримиз
ўзига оро берган, баҳор чама-
нидан безанган. Уфқига бош
қўйган алавларимизнинг хус-
нига-хусни қўйилган. Войла-
римизнинг кўриги, экинзорла-
римизнинг баҳор либоси нақа-
рар ғўзал. Ёғларда турли ме-
ва дарахларининг довулча-
туғунчалари нақадар мўл! Гул-
зорларимиз нақадар оромбахш
ва барно!

Байрам гонголари элнинг
она-Ватанга, жонажон партия
ва ҳукуматимизга табрик-са-
лом билан отади. Қўёш ҳам
кулиб, Ватанимиз улуғлиги
ва шон-шарафини табриклайди.
Ҳаммамнинг удуғ айёмига ўз ра-
порти, ўз меҳнат совғаси бор.
Халқимизнинг буюк ишларини
улугловчи, зафарлардан ларак
берувчи нақадар ҳамма жой-
да кўзга ташланади. Ўз эркини
қўлига олган халқимиз барча
мамлакат ишчиларининг бир-
лиги ва қардошлиқ кўни — 1
Май байрамини ҳар йили ана
шундай зўр қўрсондилик бил-
ан ўтказиб, янги меҳнат за-
фарлари билан нишонлайди.
Уш баҳор, дўстлик ва шодлик
байрами деб атайди.

Меҳнат ҳаётимизнинг кўрки,
Ватанимизнинг куч-қудратидир.
Қаҳрамон халқимиз меҳнатда
ўзининг юксак фазилатини,
ижодий қўбилиятини ва новатор-
лигини кўради, уни шон-шараф-
лиги деб билади. Шунинг учун
ҳам халқимиз ҳалол меҳнат
қилиб фаровон ҳаёт кечирмоқ-
да, буюк мамлакатимизнинг
шон-шувратини беёғис юксак-
ликка кўтармоқда. Бугунги
байрам тантаналари ва намо-
йишчиларнинг қудратли сафа-
рида ҳам шодли меҳнатимиз-
нинг қувончи янгулари намо-
йиш қилинади. Меҳнатни удуғ-
лаш халқимизнинг аjoyиб тра-
дициясига айланган.

Мамлакатимиз, шу жумла-
дан областимиз меҳнаткашлари
1 Май байрамини бу йил совет

халқи ҳаётида юз берган мис-
лис қаҳрамонлик ва тарихий
ғалабалар билан кўтиб олмоқ-
далар. Мамлакатимиз граж-
да-ни, Совет Иттифоқи Қаҳра-
мони Юрий Гагариннинг киши-
лик тарихида биринчи бўлиб
космосга муваффақиятли пар-
воз этиши она-Ватанимиз кўч-
қудратининг, халқимиз заво-
батининг, фан ва техникамиз
ривожининг улуғ тантанасига
айланган, уни бутун жаҳонга
яна бир бор намоёниш қи-
либ кўрсатди.

Совет халқи бу йилги 1 Май
байрамини халқ ҳўжалигининг
турли соҳаларида янги меҳнат
зафарлари билан нишонламоқ-
да. Буюк Ватанимиздаги аjoy-
иб ишларни бир лаҳза кўз
олдинига келтириш, Зафар-
даст совет кишилари улкан
дарёларини тўсиб, нур манбаига,
бепоян буз ерларни ўзлаштириб,
мўл ҳосил қониға айлантирмоқ-
далар, нисон меҳнатини енгил-
лаштирмоқдалар ва махсулот
ишлаб чиқаришни борган сари
кўпайтирмоқдалар. Улар ўзла-
рининг бу удуғ ишлари билан
коммунистик жамият қурилиши-
ни тобора тезлаштирмоқдалар.

Бу йил кузда партияимизнинг
XXII съезди ўтказилади. Хал-
қимиз ана шу съездега, барча
ғалабаларимизнинг улуғ та-
килотчиси бўлган шонли Ком-
мунистик партияимизнинг, тари-
хий съездида катта тайёргар-
лик кўрмоқда. Саноат корхона-
ларининг коллективлари қиш-
лок ҳўжалигининг меҳнаткаш-
лари, чорвалорлар, пахшчилар,
бичокорлар ва бошқа ҳасабати
ҳамма совет кишилари шонли
партияимизнинг улуғ съездида
муносиб совға тайёрлаш учун
фаоллорона меҳнат қилмоқда-
лар.

Халқимиз ўз меҳнати, ўз
қудрати билан тинчлик йўли-
да, жаҳонда барқарор тинчлик-
ни мустаҳкамлаш йўлида ҳор-
май-толмай ҳизмат қилиб кела-
ди. Партия, ҳукумат ва хал-
қимизнинг тинчлик учун, ёппа-
сига ва батамом қуролсизла-
ниш учун изчиллик билан ку-
раш олиб бораётганлигини бу-
гун прогрессив инсоният қўл-
лаб-қувватламоқда. Коммуни-
стик жамият қураётган халқи-
мизнинг буюк ғалабалари, Ва-
тан ва тинчлик йўлида кўзга
киритган катта муваффақият-
лари дўстларимизни қувонти-
риб, душманларимизни ларза-
га келтирляпти.

Бизнинг Ватанимиз, шу-
нидан Европа ва Осиёдаги
бошқа социалистик давлатлар
кишилик тараққиётининг пор-

лоқ йўлини машғалдай ёритиб
турибди. Прогрессив инсоният
Совет Иттифоқи бошчилигида-
ги социалистик лагерь мамла-
катларининг қўлга киритган
буюк муваффақиятларидан қў-
вонмоқдалар ва улардан наму-
на олмоқдалар. Социализм ва
коммунизм йўлидан, бораётган
халқларнинг социалистик бир-
лиги ва бирдамлиги тобора му-
стаҳкамланмоқда.

Жаҳон халқлари барча му-
стаҳкам мамлакатларга тўла
мустақиллик ва озодлик бер-
лиши учун ширмаида му-
стаҳкам қўдлиги системасини
тезкор тутатиш учун мардона-
вор кураш олиб бормоқдалар.
Осиё ва Африка қитъаларидаги
бир қанча мустаҳкам мамла-
катларининг қарам ва мустама-
лака балосидан халос бўлганли-
лари жаҳон прогрессив кучла-
рининг буюк ғалабасидир. Ре-
волюцион Кўёб халқининг ўз
мустақиллиги ва озодлиги йў-
лида олиб бораётган қаҳрамо-
на курашини бутун инсоният
олқишига сазовор бўляпти.


Жаҳон халқлари 1 Май бай-
рамини эксплуататорлар дўне-
сига қарши кураш байроғи
остида, тинчлик, миллий му-
стақиллик, демократия ва соци-
ализм учун кураш байроғи о-
стида ўтказадилар. 1 Май жаҳон
халқларининг традицион бирли-
ги ва қардошлиқ кўни байрамига,
меҳнаткашларнинг халқаро бир-
дамлик кўниға айланган.

Мамлакатимиз меҳнаткашла-
ри 1 Май байрами—баҳор бай-
рамини зўр тантаналар билан
нишонлар эканлар. Ўзларининг
она-Ватанга, жонажон, Комму-
нистик партия ва Совет ҳўку-
матига бўлган чексиз меҳр-
муҳаббатларини ва садоқатла-
рини яна бир бор намоёниш
қилдилар.

Халқимизнинг ижодий гайра-
ти барқ уриб яшнамоқда. Халқ
ҳўжалигининг турли соҳалари-
да юксак меҳнат унумдорлиги-
га эришилмоқда, ишлаб чиқа-
риш топшириқлари муддатдан
илгари ошириб бажарилмоқда.
Совет кишиларининг моддий
даражаси ва маънавий ҳаёти бе-
киче ривожланмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашла-
ри улуғ айём кўни 1 Май бай-
рамини зўр тантаналар билан
нишонлар эканлар, қувончлар-
га тўлиб-тошган ҳола бундай
дейдилар.

Яшасин меҳнаткашлар-
нинг халқаро бирдамлик кўни,
барча мамлакат ишчиларининг
бирлиги ва қардошлиқ кўни —
1 Май!



СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ

Б У Й Р У Ё И

1961 йил 1 Май

№ 86

Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлари!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлари!
Бугун бутун дўне меҳнаткашлари ўзларининг традицион халқ-
аро байрами — Биринчи Майни нишонламоқдалар.

Бизнинг Ватанимиз бу байрамни экономика, фан, маданият ва
техника ривожлантиришда, совет халқининг фаровонлигини оши-
ришда жуда катта муваффақиятларга эришилган бир вазиятда ни-
шонламоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиянинг XXII съез-
дининг муносиб кўтиб олиш учун, етти йилликнинг унвчи йили пла-
нини муваффақиятли бажариш учун, деҳқончилик ва чорвачилик
маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун социалистик мусобақани то-
бора кенг аяб олдирмоқдалар. Одамнинг космик кемада Ер шар
теваригида парвоз қилишини амалга оширган совет халқининг мис-
сиз қаҳрамонлиги бутун прогрессив инсониятнинг шодлик ва миннат-
дорчилик туйғуларини ошириб юборди. Бутун совет халқи каби, ар-
мия ва флот жангчилари ҳам Ватанимиз граждаи майор Ю. А. Га-
гариннинг биринчи космонавт учувчи бўлганлиги билан фахрлана-
дилар.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи тинчликсе-
вар ташқи сиёсати сабот ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда,
халқаро кескинликини юмшатиш ва халқларга сон-саноксиз қуфат
келтириш билан таҳдид қилаётган янги жаҳон — урушнинг олдини
олиш учун курашмоқда.

Айни вақтда империалистик давлатларнинг агрессия доиралари
халқаро вазиятнинг соғломлантирилишига зўр бериб қаршилиқ кўр-
сатмоқдалар, ҳарбий тайёргарлиқни кенгайтирмоқдалар, атом ва ра-

кета қуроли запасларини қўпайтирмоқдалар, реваншчи гарбий гер-
ман армиясини вужудга келтиришни жадаллаштирмоқдалар, халқ-
ларнинг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги ҳаракатиға ха-
лақит бериш учун жон-жаҳдлари билан уришмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳўкумати буни эътиборға олиб,
Ватанимизнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг Қуроли Кучла-
рини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ҳамма чораларни кўришга
мажбур бўлмоқдалар.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти эндиликда халқимиз-
нинг тинч ижодий меҳнати ва унинг давлат манфаатларини му-
стаҳкам суратда ҳимоя қилиш имконини берадиган энг янги ҳарбий
воситаларға эгадир.

Ҳарбий ва сиёсий билимларни, замонавий ҳарбий техника ва
қурол-прогрларни қўн билан эгаллаш, ўз сафларида интизом, уюш-
қоқлик ва тартибни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, қўшинлар-
нинг ҳўшёрлиги ва жанговар тайёргарлигини тинмай ошириш — армия
ва флот жангчиларининг муқаддас бурчидир.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва
адмирал ўртоқлари!

Сизни меҳнаткашларнинг халқаро байрами — Биринчи Май
билан табриклайман ва кўтгайман ҳамда ҳарбий ва сиёсий тайёргар-
лик соҳасида янгила-янги муваффақиятларға эришувингизни тилай-
ман.

Байрамни нишонлаш юзасидан буюраман:

Вугун, 1 Майда Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқчи
республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарлар — Ленин-
град, Сталинград, Севастополь ва Одесса гўплардан бир йўла йи-
гирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин бизнинг удуғ Совет Ватанимиз!

Яшасин шон-шувратлар билан қўпланган, тинчликни, Ватани-
мизнинг давлат манфаатлари ва хавфсизлигини ҳўшёрлик билан қў-
риқлаётган шавкатли Совет Қуроли Кучлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг жанговар шта-
би — Ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар бўлсин!

СССР Мудофаа министри,
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

„Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетида

1961 йил 6 ва 7 апрелда академик Д. В.
Скобелъини раислигида «Халқлар ўртасида
тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро
Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси
бўлиб ўтди.

Комитет Халқаро Ленин мукофотларини

бериш ҳақида тушган таклифларни кўриб
қиқди ва бу масала юзасидан қарор қабул
қилди.

Қуйида Комитетнинг Халқаро Ленин муко-
фотларини бериш тўғрисидаги қарори эълон
қилинади.

1960 ЙИЛГИ «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ 1961 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ ҚАРОРИ

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш иш-
даги жуда катта хизматлари учун қуйида-
гиларға «Халқлар ўртасида тинчликни муста-
ҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари
берилсин:

Фидель Кастро Русга — жамоат ва давлат

арбоби (Куба Республикаси);

Секу Турега — жамоат ва давлат арбоби

(Гвинея Республикаси);

Рамешвари Неруга — жамоат арбоби

(Ҳиндистон);

Михаил Садовянуга — ёзувчи, жамоат ар-
боби (Руминия Халк Республикаси);

Антуан Жорж Табетга — архитектор, жа-
моат арбоби, (Ливан);

Остап Длусскийга — жамоат арбоби (Поль-
ша Халқ Республикаси);

Уильям Морроуга — жамоат арбоби (Авс-
тралия).

Комитет раиси Дмитрий Скобелъини,
Комитет раисининг ўринбосарлари Го Мо-
жо, Луи Арагон.

Комитет аъзолари: Григорий Алексан-
дров, Жон Бернал, Ян Дембовский, Анна

Зегерс, Пабло Неруда, Соҳиб Синг Сох-
тей, Илья Эренбург.

34.200 метр баландликда парвоз

Учувчи Г. К. Мосоловнинг мутлақ рекорди

Шу йил 28-апрелда учувчи Ге-
оргий Константинович Мосолов
Е-66 реактив самолётида парвоз
қилиб, 34.200 метр баландликка
етди.
СССР Марказий аэронавтигаси
авиация спорти комиссияси ани-
қашу учини баландликда учинишда
жаҳон рекорди сифатида тасдиқ-
ламоқ учун шу ҳақидаги материал-
ларни Халқаро авиация федера-
циясига юборди. (ТАСС).



Суратларда: (чапдан) ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС — жамоат ва давлат арбоби (Куба), СЕКУ ТУРЕ — жамоат ва давлат арбоби (Гвинея), РАМЕШВАРИ НЕРУ — жамоат арбоби (Ҳиндистон), МИХАИЛ САДОВЯНУ — ёзувчи, жамоат арбоби (Руминия), АНТУАН ЖОРЖ ТАБЕТ — архитектор, жамоат арбоби (Ливан), ОСТАП ДЛУССКИЙ — жамоат арбоби (Польша), УИЛЬЯМ МОРОУ — жамоат арбоби (Австралия).

ЭЛ КУЙЛАР ҲУР ВАТАН МАДҲИНИ ТИНМАЙ!



Биринчи парваришни бошлаб юбордик

Биз бундан беш-олти йил муқаддам юқори ҳосилли бригададан сафидан жой олган эдик. 1956 йил ҳар гектар ердан 46,5 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтарган эдик. Лекин, кейинги йилларда ҳосилдорлик кескин даражада пасайиб кетди. Бунинг сабаби қаерда? Аввало шунини айтиш керакки, мўл ҳосил учун кураш ишига ўзимиз ҳам етарли эътибор бермадик. Гектарларнинг тўлиқ бўлиши учун кураш олиб бормадик. Қўчатларни мўлжалланган миқдорда сақлаб қолш ҳақида қайғирмадик.

Эндиликда йўл қўйилган ана шундай камчилардан тегилли ҳушаслар чиқариб олдик. Пахтакорларимиз юз гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга эриш берганлар.

Биз «Сўз беодинлиги» уни бажариш ишорига амал қилиб, ўтган йилнинг кеч қуздан бошлаб бели маҳкам боғлаб ишга киришдик. Чигит экилини керак бўлган барча майдонларни чуқур қилиб шугорладик, дала бошларига етарли миқдорда гўнг ташиб чиқардик, ариқ-завурларимизни сув равио оқаётган қилиб қиздик.

Баҳор ерли келиши билан яхши ишланган ерларимизга чигит эка бошладик. Меънаизаторларимиздан Ибдуллоҳи Жаҳонлов ўз агрегати билан ҳар кун 6—7 гектар ерга квадрат-улаб чигит эдик.

Биз бу йил ер шароитимизга назарда тутиб, чигитни 60Х50 сантиметрлик схема билан квадрат-улаб жойлаштирдик. Бу эса ҳар гектар ерда ҳам деганда 85 минг туп кўчат сақлаб қолш имконини беради.

Бригаданимиз пахтакорлари халқро бирдмлик кунин 1 Майни дастлабки кўлга кийрилган муваффақиятлар билан кўтиб олдилар. Шу кўнларда экинни биринчи бошлаган карталаримизда чигит хатосиз униб чиқа бошладик. Бизнинг бутун фикри-ишқимиз гўза парваришни ва ятагани бекам-қўст ўтказиш, биринчи култивация пайтида кўчатини тўла сақлаб қолш, бу йилги мўл ҳосил учун шу кўнлардан жон куйдириб ишлашга қаратилган.

Тилов МАМАНОВ.

Сирдарё районидидаги Тарас Шевченко номида колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЭГИЗАК ҚЎЗИЛАР

Ажойиб, жуда-жуда оромбахш бўлибди шу кўнларда қўз ва эдилар. Кенг ва бепоён яйловлар қўнқўқ майса, лопалар ва нафис гуллардан либос кийиб, Май байрамга ясайнгандай товланиб турибди. Ҳар ер-ҳар ерда тўда-тўда бўлиб яшайди, ўтлаб юрган қўз ва қўзиларни кўрамиз. Майсазорлар устида роҳ-роҳириқ қидириб туришлар ҳам пайдо бўлиб қолади ва дарҳол шиддат билан осмонга қўтарилиб сайраб кетади. Қўз ва қўзиларнинг маърашлари, гўш, мой жуи қўз бўлиши деб тиним билмай меҳнат қилаётган чўпонларнинг хиргойиси — буларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, подини қўз айлов узра ажойиб оҳанг қанот қонади. Табиат ўз бойлиғи ва ҳусни-жамолини қўз-қўз қилаётган ана шу баҳор кўнларида бу яйловларни кезган сари кезгингиз, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олавергингиз келади.

Икки томони тепаликдан иборат бўлган сойнинг ўртасидаги ёлғизоқ йўлдан ота ўтиб бормоқдамиз. Кечати ёниб ўтган ёмғирдан сўнг ўт-ўланларнинг бўйига-бўй қўшилиб водий янада яшариб, гўзаллашиб кетибди.

— Йинилашиб қолдикми? — ҳам-роҳимиздан сўрадик.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Турдиқул ака Аҳмедов отининг жиловини тортиб бир муддат тўхтади-да, бир қўлини пешонасига соябон қилиб, бир қўлини битиз қилди.

— Аширматнинг отари, — деди,

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Кўёш эрталабданоқ ҳаммаёқна олов селини пурқай бошладик. Бу дехқоннинг асл муқдоси. Негани, кеча йилдаги тўпқонни ёриб уни уриб чиққан мурғак гўзалар қўёш ҳароратидан баҳра олиб, бўй чўзаяпти. Бир-икки чинбарига чинбар қўшайпти. Уси чигит ташлаган карталарда ҳам, Сервер Бекиров уни-версал ҳайдаган майдонларда ҳам яшил квадратлар пайдо бўлибди. Ишнинг бошидан пухта, сифатли бўлганлигининг фойдаси шу-да, Хато йўқ. Ҳамма эгатада кўчат бир текис.

Бригада аъзоларидан Сокида, Каромат, Дариғолар Турсуной билан бирга картаманарта юриб, ўз ҳалол меҳнатларининг дастлабки натижаларини кўздан кечиришар экан: Турсуной опа, деди.

Дариғо, — юқоридидаги карталарда парваришни бошлаб қўйилди. Бутун ақойиб кун. Чин арафа, Гўзаларимизнинг тана-сини яратганига шу кундан киришганимиз яхши.

Турсуной Дариғони ҳурмат қилди. Ўз сингисидай кўра-ли, меҳнатчан қиз. Никанни топириқ бўлса жоқлиги билан бичкириқ Турсунойдек бўлиш, худди пўлат елкан бун-дердан худди Турсуной каби топа-тоналлаб «оқ олтин» тўкиш. Ўтган йили йилги-терим вақтида Турсуной уни бир неча бор машина рулига ўтирибди. Машинанинг силарини ҳам уратди. Эндиликда қўли келиб қолди бу қизнинг. Турсуной бир тўп бўлиб чиққан гўзадан бирини қидиб олиб, унинг ил-чини кўздан кечириб экан Дариғонинг фикрига қўшилди.

— Тўғри гап, Дариғо, — деди у, — мен Серверга ҳам айтган эдим. Кеча универсали-га култиваторини тиркаб қўй-ган. Ўзимнинг агрегатини ҳам шай. Фурсатини қўздан бой бер-маймиз. Дехқончиликнинг юту-ғи вақтингиз қадрига етишди.

Турсуной бажариладиган иш-лар тўғрисида, бригада аъзола-рига топириқлар берди. Биз Сервер билан култиваторини бошлаймиз. Силар марзалар-ни, уватларни, ўқариқларни яна бир бор кўздан кечиринг-лар. Илтимос шуки, чигит туш-матан бир метр ҳам ер қол-масин.

Орадан қўп ўтгани йўқ. Ҳўв юқори карталда универсаллар

овози қайта гуруллай бошлади. Кеча йилдаги экин тазом-ланганда бир-икки кун қанга-рилган универсаллар мойлаиб, гайкалари, вентилари мустах-камлаиб, эгитлар оралаб йўр-галай бошладик.

Парвариш вақтида ҳам Турсуной ўртага тўғри фикр таш-лаган эди. У ким қаерга чигит экан бўлса, ўша ердаги гўза-ларнинг парваришига ҳам, кў-чатларнинг тўла сақлиниб қо-лишига ҳам, ҳосилнинг тақ-дирига ҳам ўша кишининг ўзи жавоб берсин, деган эди. Маза ҳозир шу фикрга амал қили-напти.

Сервер ҳам, бригада бош-лиғи Турсуной ҳам универсал рулини маҳкам ушлашган. Улар сон кетидан қувишмоқчи эмас, сифат керак. Шунинг учун ҳам уларнинг қўзлари хали олдин-га, ҳали қатор оралари мал-ҳамдай юмшатилаётган, шу фурсатда ердан ҳам, қўёш ҳароратидан ҳам баҳра олиб, ор-да қолаётган гўзаларга боқадик.

Овнат вақтигача байрақдан иш қўнғилдигидек бўлиб, Гул-лар байрами, баҳор байрами, шодлик ва тинчлик байрами — 1 Майга гўза парвариш соҳасида биринчи тўғрига бўлиб.

Икки механизатор қўёш тик-када келиб, бадалларни қўз-тирқада, мангиларидан кўч-тер оқинда дала шийонига йўл олдилар. Бу вақт брига-данинг бошқа аъзолари ҳам тўп-пик овуқатга тўпланган эди.

Биринчиларнинг ҳисрларидан бутунини ишдан мамнун эканликлари сезилиб туради. Ахир бригадада чин арафа кун-ини биринчи парварини бошлаг-ан. Овнат вақтигача бригадир ва Сервернинг 7 гектар ерга ҳам узунасига, ҳам қўндалан-гига ишлов берганликларини эшитган кишилар янада ҳур-санд бўлиб кетибди.

Мазади таом еилиб, бир-икки пийладан қўч чой ич-ландан кейин Турсуной асосий мақсадга қўчди. Бундан етти-макниз кўп илгари Пискент

районидаги «Пискент» совхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, механик ҳайдо-вичи ўртоқ Тохиҳон Ладамованинг «Турсуной, келинг мусо-бақалашайлик» деган очик ха-ти газетда эълон қилинган эди. Маза бутун биринчи пар-варини бошлаган кунда Тохи-хон опанинг қақиринига жавоб хати ёзилса чакки бўлмайди.

— Тохиҳон опалар, — деди Турсуной, — биринчи пар-варини 15—20 майгача тазом-лашни мўлжаллашдик. Бизнинг ҳам мўлжалимиз нарис билан 15 май. Тохиҳон опалар ҳар гектар ерда 80—85 минг туп кўчат сақлаб қоламиз, 375 тон-на «оқ олтин» етиштирамиз, деб ахд қилишдик. Бизда ҳар гектар ерда гўза туллари 80 миңдан ҳам бўлмаслиги керак, гектаридан 50 центнердан ҳо-сил оламиз. Тохиҳон опанинг ўзи бу йил машина бунери-дан 174 тонна «оқ олтин» тў-роқдан деб эл-юртин ишонтир-ди. Ўтган йили дастлабки па-дахта бўлганлиги учун 86 тонна пахта терган экан. Бу ҳазил гап эмас. Мен дастлаб машина рулига ўтирган йилм бор-йўғи 60 тонна пахта тўккан эдим. Ҳаммаюларга маълум бу йил Москвада Катта Кремль Са-роий минбаридан туриб 350 тонна пахта тераман деб ишон-тирдим. Эндиги ҳамма гап шундаки, Тохиҳон опага ба-дани ҳатимизда шу вақтгача қилган ишларимиз ва бундан бўйб ҳосилдорлигини ошириш учун қандай тадбирларни амал-га оширмоқчи эканлигимиз тў-ғрисида ҳикоя қилиб берамиз.

Дариғо опонг қозим бегига бригада аъзоларининг фикрла-рини тушириб берди. «Тохи-хон опа, қақирингизни жон-дилимиз билан қабул қиламиз, бутун чин арафа кунини Сизга шундай деб санимий салом б-дан мактуб йўлламоқчимиз». Бу ёзилмак хатини дастлабки юрак сўзлари эди.

У. ЖОНГИТОВ.

Чиноз районидидаги Киров номида колхоз.

Бўстонлиқ районидидаги «Қизил ту» колхозининг айловларини айла-ниб, унинг фидокор чўпонлари билан суҳбатлашсангиз, қўз ва қўзиларни қўпайтириш йўлида ажойиб ишлар қилинаётганини эшитиб хурсанд бўласиз. Колхоз отарларида 1800 беш совлиқ бор. Фидокор чў-понлар қўзиларини муваффақият-ли яқунламоқдалар. Ҳозиргача колхоз қўзилари ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи олинди. Аширмат Эштоев, Ғразимбет Шертоев, Болтабой Усе-бов сингари чўпонлар 1 Май байра-мига зиммаларига олган мажбурият-ларини ортиғи билан бажариб етиб келдилар. Улар ҳар юз беш совлиқ-дан 130—140 бешгача етказиб қўзи олдилар. Уларнинг ишдан ҳамма хурсанд, ҳамма миннатдор.

Н. РИХСБЕВ.

Ҳозир эртаги экинган ерлари-мизда сабзавот экинлари бир те-кис униб чиқди. Шу кеча-кундуз-да ҳар биримизнинг фикри-ишқи-ри билан парваришни му-ваффақият билан охиригача ет-казишга қаратилган.

Эргаш НАЗАРОВ.

Калинин районидидаги Карл Маркс номида колхозининг бригада бошлиғи.

Бўстонлиқ районидидаги «Қизил ту» колхозининг доғдор чўпони Аширмат ака Эштоев қўз-қўзиларни кенг яйловларда семиртириб бориб, уларнинг туғганини қўпайтириш учун курашмоқда. Суратда: ўртоқ Аширмат Эштоев жажжи қўнчоқ билан.

«Кеча туғилган қўзани олиб кел, — деб бўйруқ берди. Серкабой рўпарадаги отарга бориб, онаси кетидан зўрға-зўрға тетапол қилиб юрган жажжигина қўнчоқни олиб келди.

— Кўрапсизми? — дейди қўз-чоқни қўлига олар экан, — ҳали жуналар чиқиб улғургани йўқ, — деди у, — мернос қўиларнинг қўзиларини боқининг қийинлиғи шундаки, туғилган қўзилар қи-чизил гўшт бўлади, жайдари қўзи-ларники сингари жуни бўлмайди. Баъзиларини икки-уч кунгача қўлда кўтариб туриб эмиздиришга ҳам тўғри келади. Уч-тўрт кун шу хил-да парвариш қилиб турсак бас, кейин ўзини тўтиб олади кейин қўз-лаб ҳам етолмайси...

☆

☆

Собир АБДУЛЛА

БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Келинг! Қадақ кўтарайлик айёмда, Қувончу тантанамизни бутун жаҳон кўрсин. Қўёш ўз аксини кўрсин қўлимдаги жомда, Очиб жамолини ой, илмайиб, қулиб турсин.

Майин насим эсар, жонга бу берар роҳат, Ҳавода чангу гўбур йўқ, қўнғилда заррача ғам. Учар қанотини ёниб мўжда-хушхабар ҳар вақт, Нафас олар киши енгил, ҳаёт гўзал ва ширин.

Шу тоғт қўлоққа ёқимли чалинди шўх кўйлар, Қўнғилни ўйғота, зақини қитқилади, тортиди. Бу юртимизда ҳаммаша тўй устига тўйлар, Чалинди музика, аммо бу кўнгис ортиди.

Қаторга атланақолдим, бу кенг қизил майдон Менинг гурурим учун торлиқ этди гўёим. Менинг гурурим ошпирган улуг замону макон, Тўйилди қўзлар учун тўғиб ҳовуч хоки.

Боқинга камлин етарди шу пайтда икки кўзим, Фахрли қичқиримдан фалак ёрилгудек. Гурурданувчи, бу сафда эмас эдим бир ўзим. Совет гражданининг ҳаммаси эди шундек.

Йўлимда тоғча бинолар менга салом берди, Дедик: — сен мени кўрдинг, шарафли меъморин! Бир оддий ишчи эдим, давр менга ном берди, Қадамда гул узатиб борди менга гулзорим.

Қўлоққа синамди гулдасталар, сочиб бордим, Боршда йўл йўлақай гул тақиб шу тупроққа. Ширин қўнқига қўшилдим, қўнғил очиб бордим Босишда илгарига, илтибиб парироққа.

Юрар эдим мен ўзим энг иккинчи киши ҳис этиб, Ўзлағанда замон, осмонга бош етди, Улуг замонда яшаб, энди шунча ёшга етиб, Ўзимни муътабару улфатим қўёш этди.

Ўзимга энди тушунидим: қурувчи меъморим, Букун сафимда ўзимдек қурувчилар борам.

Уларки бор бу жаҳонда: шулар каби бормен, Буюк тилкаки шу сафда турувчилар боради.

Буюк шу давлатимиз барқарор — ҳаёт гуллар, Ҳаммаша шодмону, кўрмидан эиёш-заҳмат. Борарда ҳамма қатор, бир тешида қўнғиллар, Тилимда Партияга қайта-қайта минг раҳмат.

БИРИ-БИРИДАН КЎРКАМ

Қишлоқ Советимиз территория-сида Сталин номи ва Жда-нов номи колхозларининг қиш-лоғи жойлашган. Уларнинг бири-биридан кўркам. Айнқса, Сталин но-мида колхоз қишлоғи ўзининг мукам-маллиги, қўп сонли хўжалик ва ма-данний-маиший бинолари, колхозчилар учун қурилган шинам уйлари, ором-бахш кўкаламзорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Колхоз қишлоғи кенг пахтазор-лар, бедазорлар, макжажхори пай-каллари билан тутайиб кетган. Кол-хоз аъзолари ана шу ерларда, чор-вачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилиб, ҳар йили пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиш-тирадлар, чорва молларидан қўп маҳсулот оладилар. Улар бу йил 1350 гектар майдоннинг ҳар гек-таридан 34 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берганлар.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта олинди. Шунинг-дек, давлатга кўп миқдорда пилла, гўшт, суг, туҳум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Хўжаликдан олинган даромад энги пул ҳисобида салкам 1 миллион 700 миң сўмини ташкил этди. Ке-ляинги уч йил ичда бўлимас Фе-дига 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Ана шу маблағ ҳисобига қиш-лоқда хўжалик ва маданний-маиший қурилиш кенг амалга оширила-пти. Фақат 1958 — 1960 йиллар мобайнида қурилиш ва ободончи-лик ишларига қарийб 200 миң сўм сарфланди. Янги типдаги бир неча чорва ва бошқа хўжалик бинолари,

8 йиллик мактаб, 100 ўринли мар-казий ва бир неча бригада ясилари, басалхона, туғруқхона, дорихона, меҳмонхона, мағазин, 12 дала ший-пони, 6 километр йўл қурилиб ишга туширилди. Фақат ўтган йили кол-хозчилар ҳошадони учун 31 та уч ва тўрт хонали янги типдаги уй қуриб берилди. Ҳозир қишлоқдаги 737 хонадондан 600 га яқини ана шундай маданний уйларида яшмоқда.

Колхоз қишлоғининг ҳозирги қиё-фаси худди шаҳар типдаги посёба-га ўхшайди. У тўла электрлашти-рилган ва радиолаштирилган. Бу йил қишлоқ аҳолиси водопровод суви билан таъминланади.

Ҳозирги вақтда қишлоқни янада ободонлаштириш тадбирлари амалга ошириллаяпти. Қурилиш ишлари кенг мақсадда даром атайпти. Ҳўмладади, 400 ўринли мактаб-интернат қуриб битказилди. Чорва моллари боқиб семиртириладиган база ва бир неча чорва биноси, балиқ урчиладиган кўл, 8 йиллик мактаб, икки та бо-лалар ясиеси, тўртта дала шийпо-ни, 4 километр йўл ва бошқалар қуриллапти.

Байрам арафасида колхоз қиш-лоғи янада гўзаллашиб кетди, та-таннали тус олди.

Колхоз қишлоғини ободонлашти-риш ишига қишлоқ совети ва унинг ўртоқ Анорбой Абдурахимов бошлиқ ободончилик доимий комиссияси, қишлоқ активлари катта ҳисса қўш-моқдалар.

И. МИРЗАБОБОВ,

Янгийўл районидидаги Нов қиш-лоқ Советининг раиси.

МУНОСИБ СОВГА

Меҳнаткашларнинг му-мудатидан илгари қу-Генерал Собир Раҳи-халқаро бирдмлик қу-рилиб, фойдаланишга мов номида кинотеатр ни — 1 Май арафаси-да пойтахтимизда бир-неча маданият ўқоқла-бу кинотеатрда намо-ларнинг чинакам мада-рини, кинотеатрлар ва йиш қилинаётган ҳар-ни хордиқ чиқаради-ларлар фойдаланиш-бир фильмин бир йў-дан парки бўлиб қо-ла 600 киши тамошда.

Пойтахт аҳолиси байрам кўнлариди яна бир неча маданият ўчо-ғи айлангирлади. Шу маиший муассасаларга мақсадда бу ерда ич-а бўлади. Булар қиш павилонлар, кутуб-хона ва спорт майдон-часи ишга туширилди. ди.

Байрам кўнлариди яна бир неча маданият ўчо-ғи айлангирлади. Шу маиший муассасаларга мақсадда бу ерда ич-а бўлади. Булар қиш павилонлар, кутуб-хона ва спорт майдон-часи ишга туширилди. ди.

Байрам кўнлариди яна бир неча маданият ўчо-ғи айлангирлади. Шу маиший муассасаларга мақсадда бу ерда ич-а бўлади. Булар қиш павилонлар, кутуб-хона ва спорт майдон-часи ишга туширилди. ди.



Бўстонлиқ районидидаги «Қизил ту» колхозининг доғдор чўпони Аширмат ака Эштоев қўз-қўзиларни кенг яйловларда семиртириб бориб, уларнинг туғганини қўпайтириш учун курашмоқда. Суратда: ўртоқ Аширмат Эштоев жажжи қўнчоқ билан.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 3-БЕТ, 1 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

